

Курс лойихаларини аниқ манзиллар учун режалаш ва ҳаётга тадбиқ этиш .

“Дизайн” кафедраси катта ўқитувчиси

Исоқова Муқаддас Бадировна

Шаҳар тузилишида жамоат биноларидан ташқари, турар жой биноларини аҳамияти катта эканлигини назарда тутган ҳолда, ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири маҳалла гузарларида ёки куп қаватли турар жой биноларига тегишли майдонларда меъёрий ҳужжатлар асосида ўйин майдончаларини ташкил этиш масалалари булажак мутахассисларга бошланғич курсданок топширилади. Болалар ўйин майдончаларини лойиҳалаш учун мактабгача болалар муассасалари, микрорайонлар, боғлар, хиёбонлар ва бошқа жойлардаги ерлар ҳам тавсия этилади. Танланган жойга қараб болалар майдончасидаги ўйин элементлари белгилаб олинishi, ундан ташқари майдончага мўлжалланган кичик меъморий шакллари вазифасига қараб, ўйин зоналарига жойлаштириб чиқиш маъқул. Шу билан ўйин элементларини композицион жиҳатдан майдоннинг ҳажмий шакллари билан боғлашга эришилади. Бунда талабалар айнан берилган ҳудудни мукаммал урганиб, барча омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш жараёни бошланади. Очiq муҳитли кичик меъморий шакллари лойиҳалашдан мақсад – талабани мустақил лойиҳалашнинг биринчи поғонасига қадам бостириш, яъни талабага композиция ва ранг фанидаги билимларни мукаммал эгаласа ҳажм, фазо ва уларни ўзвий боғлиқликни, архитектуравий шакллар мутаносиблигини қоғозда акс эттира олади. Майдончамиз асосан бир неча зоналарга бўлинади. Кириш қисми ва унга боғлиқ йўллар ҳар бир шакллар, ҳажмлар мутаносиблиги композицион қонуниятларга бўйсунди акс ҳолда лойиҳа ўз ечимини топа олмайди. Мутахассис мавзуга мос равишда график услуб танланиб, лойиҳани тасвирлаш керак бўлади. Майдондаги ўйин элементларига: сирпанчиклар, бекинмачоққа мўлжалланган деворлар ва лабиринтлар, ҳар-хил катта кичик ҳажмий шакллар, қум билан ўйнаш жойи, ҳовузчалар, ўриндиқлар, сўрилар ва

бошқалар кириши мумкин. Болалар майдончасидаги шаклларни катта-кичиклиги, кўп-камлиги жойига қараб ҳар-хил бўлиши мумкин. Қўлланиладиган ашёлар тўғри танланиши керак, улар ёғоч, темир, пластика, ғишт, табиий тош ва бошқа ашёлар бўлиши мумкин. Болалар майдончаларининг сатҳи ҳолат тархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Талаба ўз ғоясини қоғозга туширади, ғоя-эскизлаш-клаузура бажаришни ўзлаштиради. Эскиздаги тарз, тарх, қирқимларга ўлчамлар беради, уларни керакли масштабларга туширишни ўрганади, масштабдаги чизмаларни планшетга жойлаштиради. Тарз, тарх, қирқим, бош тарх ва шакл перспективасини оққа қаламда чизади, чизмаларга ўлчамлар қўяди, тарз ва перспективага соялар қуради, антуражлар билан бирга лойихани жонлантиради.

Лойихадаги кичик меъморий ҳажмларга белгиланган зоналардаги яъни Дам олиш жойи (фаввора, булоқ ёки ҳовуз атрофида) – дам олиш жойини лойиҳалаш учун истироҳат боғлари, маҳалла ва микрорайонлар оралиғидаги бўш дарахтли ерлар, фавворалар, табиий булоқлар ёки сунъий ҳовузлар атрофидаги ерлар тавсия этилади. Танланган меъморий шакл ўша ернинг атроф муҳити, рельефи ва ландшафтига мос, боғланган бўлиб, усти ёпик бўлмаган, енгил сўри конструкцияли, композицион жиҳатдан тўғри топилган бўлиши керак. Талаба қурилиш ашёларини (темир, ёғоч, пластика, ғишт, тош, бетон) тўғри танлай билиши ва ғояни қоғозда тўла чизиб кўрсатиши лозим бўлади. Дам олиш жойи ўлчамлари: ер сатҳи 10х10 м.дан 25х25 м.гача, ўриндиқлар ўлчамлари – баландлиги 45 – 50 см, эни 50 – 60 см, узунлиги 1,5 – 3,0 м. ва ундан узун бўлиши ҳам мумкин. Фаввораларни лойиҳалаш учун кичик майдонлар, микрорайонлар оралиғидаги жойлар танланиб, дам олиш жойлари билан бирга ташкил этиш тавсия этилади. Шунинг учун фавворалар ўлчамлари дам олиш учун мўлжалланган ернинг рельефи, ландшафт ва ўлчамига қараб турлича бўлиши мумкин.

Фаввора ўлчамлари: агар у доира шаклда бўлса, унинг диаметри 1,5 м.дан 8,5 м.гача; агар у тўрт бурчак шаклда бўлса, унинг эни 1,5 м.дан 4

м.гача, узунлиги эса 4 м.дан 8 ёки 10 м.гача олинади. Фаввора ўлчамлари бутунлай бошқача эркин шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин. Фавворалар ҳовузлар билан боғланган ҳолда лойиҳаланса, ҳовузлар ўлчамлари: эни 2,0 – 5,0 м., узунлиги 3,0 – 8,0 м., чуқурлиги 0,8 – 1,5 м. бўлиши мумкин.

Кичик кўприкча ва чархпалак – Кўприклар боғларда одамларни анҳор ва ариқлар устидан ўтишида керак бўлса, чархпалаклар эса ана шу боғларни суғоришга, ариқларга ва ҳовлиларга сув чиқариш учун керак бўлади. Кўприк ва чархпалак лойиҳаси унча катта бўлмаган кичик меъморий шакл бўлиб, улар маҳаллалардан, истироҳат боғларидан ва бошқа жойлардан ўтадиган, 2,0 – 8,0 м. кенгликдаги ариқ ва анҳорларга, миллий меъморчилигимизга асосланган ҳолда замонавий курилишда лойиҳаланади.

Танланган шакл атроф-муҳит билан композицион жиҳатдан боғланган, қурилмавий жиҳатдан тўғри ҳал қилинган бўлиши керак. Ҳозирги кундаги қурилишларни тубдан ўзгартириш мақсадида ноодатий лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этиши жуда муҳим. Булажак мутахассисларимизни лойиҳаларида замонавий технологияларни қўллаш, яъни ҳар томонлама мукамал иқтисодий жиҳатлари табиий омиллар билан боғлиқ, экологик тоза муҳитни ташкил этиш кабилар ўз ечимини топади. Талабар томонидан изланиш натижасида кичик архитектуравий ҳажмларни мақсадли йўналтириш, танланган ҳудуд ҳолатини мезонларини сақлаш каби бир неча омиллар эскизлаш жараёнларида ўз ечимини топиб боради. Бошланғич курсдаги майдонча лойиҳаси кейинги курсларда бино муҳитини яратишда замин бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Florian Afflerbach_Qo'lda Eskizlash. 5.-351 p
2. Шимко Т. «Архитектурно-дизайнерское проектирование». Основы теории М. 2004 г.-120 б.

Лойиҳа таркиби ва тартиби

1. Аввал ғоя – эскиз клаузура тариқасида А 3 формат қоғозга чизилади.
2. Ғояга ўлчамлар бериб масштабга туширилади.
3. Масштаб асосидаги чизмалар 55x75 см.ли ватман тортилган планшетга жойлаштирилади, компоновка қилиниб, қаламда чизилади.
4. Чизмалар қуйидаги масштабда бажарилади: тарз М 1:50, М 1:25, М 1:10, тарҳ ва қирқим М 1:100, М 1:50, М 1:25, бош тарҳ М 1:100, М 1:200, чизмаларга ўлчамлар қўйилади, меъморий шаклни перспектив кўриниши чизилади.
5. Тарз ва перспективага соялар қурилади, антуражлар чизилади, ёзувлар ёзилиб чизма ишлари тугатилади.
6. График усул танлаб лойиҳа тасвири (бўяб) чиқарилади, лойиҳа ҳимоя қилиш билан якунланиб топширилади.

Лойиҳалаш учун маълумотлар

1. Очиқ муҳитли кичик меъморий шакл лойиҳасини амалга ошириш уч:

- ғоя, эскизлаш, клаузура чизиш, тасдиқлаш;
- масштабга тушириб, планшетга жойлаб, қалам билан чизиш;
- график усул танлаб бўяб тугатиш;

каби босқичлардан иборат.

2. Талаба курс лойиҳасини раҳбар бошчилигида, консультация олиш билан мустақил ишлаб амалга оширади.

Танланган график усулда лойиҳа тасвирини бўяб чиқаради, лойиҳани ниҳоясига етказади. Лойиҳани ҳимоя қилиш билан якунлаб топширади.

Болалар ўйин майдончалари

Болалар ўйин майдончаларини лойиҳалаш учун мактабгача болалар муассасалари, микрорайонлар, боғлар, хиёбонлар ва бошқа жойлардаги ерлар тавсия этилади. Танланган жойга қараб болалар майдончасидаги ўйин элементлари белгилаб олиниши, ундан ташқари майдончага мўлжалланган кичик меъморий шаклларни вазифасига қараб, ўйин зоналарига жойлаштириб чиқиш маъқул. Шу билан ўйин элементларини композицион жиҳатдан майдоннинг ҳажмий шакллари билан боғлашга эришилади. Мавзуга мос равишда график услуб танланиб, лойиҳани тасвирлаш керак бўлади. Майдондаги ўйин элементларига: сирпанчиқлар, бекинмачоққа мўлжалланган деворлар ва лабиринтлар, ҳар-хил катта кичик ҳажмий шакллар, қум билан ўйнаш жойи, ҳовузчалар, ўриндиқлар, сўрилар ва бошқалар кириши мумкин. Болалар майдончасидаги шаклларни катта-кичиклиги, кўп-камлиги жойига қараб ҳар-хил бўлиши мумкин. Қўлланиладиган ашёлар тўғри танланиши керак, улар ёғоч, темир, пластика, ғишт, табиий тош ва бошқа ашёлар бўлиши мумкин. Болалар майдончаларининг сатҳи 50 м².дан 100-200 м².гача бўлиши мумкин.

Талаба берилаётган мавзуларнинг бирини танлаб, ўз ғоясини қоғозга туширади, ғоя-эскизлаш-клаузура бажаришни ўзлаштиради. Эскиздаги тарз, тарх, қирқимларга ўлчамлар беради, уларни керакли масштабларга

туширишни ўрганади, масштабдаги чизмаларни планшетга жойлаштиради. Тарз, тарх, қирқим, бош тарх ва шакл перспективасини оққа қаламда чизади, чизмаларга ўлчамлар қўяди, тарз ва перспективага соялар қўради, антуражлар чизади, ёзувлар ёзади. Танланган график усулда лойиҳа тасвирини бўяб чиқаради, лойиҳани ниҳоясига етказиши. Лойиҳани ҳимоя қилиш билан якунлаб топширади.